

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2006 йил, 20 ФЕВРАЛЬ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 34 (10.591)

Баҳоси эркин нарҳда

## ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

### Қасқа сатрларда

● **ЎТГАН** кунни Ҳамза қурилиш касб-хунар коллежида Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси, "Қамолот" ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ҳамкорликларида ташкил этилган "Интеллектуал олимпиада" лойиҳаси доирасида "Қамолот" ЁИХ Ҳамза туман бўлими ташаббуси билан "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

● **БЕКТЕМИР** туман марказлашган кутубхоналар тизимига қарашли болалар кутубхонасида туман соғлиқни сақлаш бўлими билан ҳамкорликда "Оқ халатли халоскорлар" мавзусида ўтказилган тадбир Ҳомийлар ва шифокорлар йилга бағишланди.

● **СОБИР** Рахимов туманидаги "Тошкентмебель" акциядорлик жамияти ҳамда "Олмос-текс" масъулияти чекланган жамияти вакиллари иштирокида Собир Рахимов туман ҳокимлиги, Тошкент Давлат юридик институти ҳамкорликларида уюштирилган тадбирда мамлакатимизда касаначилик соҳасини ривожлантиришнинг муҳим омиллари хусусида сўз борди.

● **БУГУН** Чилонзор туманидаги 182-мактабда Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми ҳамда "Қамолот" ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ҳамкорликларида ташкил этилган "Интеллектуал олимпиада" лойиҳаси доирасида "Нима, қачон, қаерда?" кўрик-танлови ўтказилди.

● **ЎТГАН** кунни Тошкент Фармацевтика институтида Миробод туман хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан баскетбол, волейбол, шахмат, шашка, арқондан сакраш бўйича уюштирилган спорт мусобақаларида институт қизлари ўзаро беллашди.

● **ЯККАСАРОЙ** туманидаги 73-мактабда туман маданият ва спорт ишлари бўлими, "Қамалак" кутубхонаси ва Абдулла Авлоний номидаги маданият уйи ҳамкорликларида Ўзбек Давлат Миллий академик драма театри актёрлари билан ижодий учрашув уюштирилди.

● **БУГУН** Акциядорлик тижорат "Ипотека" банкнинг Юнусобод туман бўлимида ўтказилган "Бобур—буёқ мутафаккир, шоир ва давлат арбоби" мавзусида адабий кеча "Маънавият ва маърифат" марказининг туман бўлими ҳамкорлигида уюштирилди.

● **ЯККАСАРОЙ** туманидаги 118-мактабда Ҳомийлар ва шифокорлар йилга бағишлаб "Маънавият ва маърифат" марказининг туман бўлими, "Оила ва аёл" маркази ҳамкорликларида "Соғлом авлоднинг тарбиялаш" мавзусида уюштирилган давра суҳбатида ўқитувчилар ўқувчилар, иштирок этишди.

● **МИРЗО** Улуғбек туманидаги 99-мактабда "Очиқ эшиклар кунни" тадбири ўтказилди.

● **СЕРГЕЛИ** туманидаги "Тинчлик" маҳалласида фаоллар ва ёшлар иштирокида жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш масаласига бағишлаб ўтказилган давра суҳбати "Маънавият ва маърифат" маркази, "Маҳалла" жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги  
Матбуот хизмати ва  
ўз мухбирларимиз  
хабарларидан.

Хашар —  
элга  
ярашар



**ЭРТА-ИНДИН ГЎЗАЛ БАҲОРНИНГ ХУШ НАСИМЛАРИ ЮРТИМИЗ УЗРА ЭСИБ БАРЧАНИ ҚИШНИНГ МУДРОҚ УЙҚУСИДАН УЙҒОТАДИ. ЗИЛОЛ СУВНИНГ ШИЛДИРАШИ, ЯЛПИЗУ ЎТ-ЎЛАНЛАРНИНГ ХУШБЎЙЛАРИ ЯРАТИШ-ЯШНАТИШ АЙЁМИ КЕЛГАНИДАН ДАРАК БЕРИБ ОЗОДАЛИК, ОБОДОНЧИЛИК ЮМУШЛАРИГА БОШЛАЙДИ.**

## ОЗОДАЛИККА ҲИССА ҚЎШАМИЗ

Бу кунни интиқлик билан кутаётган ҳамшаҳарларимиз эса аллақачон ишни бошлаб юбордилар. Заррин қуёшнинг илк нурлари остида шаҳримизда 18-19 февраль кунлари Умумшаҳар хашари гоёт уюшқоқлик билан бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Қамолот» ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгаши ва Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилган ушбу хашарда қорхона, ташкилот, ўқув муассасалари ва маҳаллалар фаоллари бир жону бир тан бўлиб ҳам-жиҳатликда теварак-атроф, ариқ ва зовурлар, кўча ва хиёбонларни озода, ораста холга келтирдилар, йиғилган чиқиндиларни эса олиб чиқиб ташладилар.

— Шаҳримиздаги 474 та маҳаллада хашар уюшқоқликда ўтди. Бунда ёшу қари бажонидил иштирок этиб ўзалари яшаб турган ҳудуднинг ободончилиги, орасталигига баҳоли-қудрат ўз хиссаларини қўшдилар, — дейди Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси раиси вази фасини бажарувчи Баҳодир Қосимов. — Халқлар Дўстлиги, Шароф Рашидов каби қатор шоҳўчалар, ариқ ва зовурлар чиқиндилардан тозаланиб, қуриган дараклар олиб ташланди. Умумшаҳар хашарини ўтказишдан



мақсадимиз яқинлашиб келаётган Наврўз айёмининг кўнглидагидек кутиб олишдир. — Ёшларимизнинг қуч-ғайратини кўрган киши ҳавас қилади, — дейди мамнуният билан «Қамолот» ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати раҳбари Отабек Ҷаматов. — Эрталаб Ўзбекистон Миллий боғида иш бошлаган «Қамолот»чилар нафақат маданият ва истироҳат боғи ҳудудини, балки ўзалари ўқийдиган ўқув маскани атрофларини ҳам тозалаш, қуриган даракларни олиб ташладилар, ариқ ва зовурларни чиқиндилардан тозаладилар. Дарак ва буталарга шакл берилиб, қабристон ва хиёбонлар ҳам озода холга келтирилди.

— Туманимиздаги ҳар бир қорхона, Ташкилот ва маҳаллалар «Хашар — элга ярашар» нақлини амалда кўрсатдилар, — дейди биз билан суҳбатда «Маҳалла» жамғармаси Чилон-

зор туман бўлими раиси Маҳаммадҷон Деҳанов. — Айниқса Усмон Юсуфов, «Қатта Дўмбироқ», Ҳамза, «Нақшолик» каби маҳаллалар фаоллари Халқлар Дўстлиги кўчасидан бошлаб Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғидан «Очқопар» бозори ҳудудларини озода ва обод холга келтирдилар.

Дарҳақиқат, халқимиз азалдан қўтлуг кунларни ҳаммаёқни озода қилган гулу чечаклар, жамбилу райхонлар ифори билан кутиб олганлар. Уйлаймизки, эшик қоқиб турган гўзаллик, тозалик-озодалик фасли-Баҳорни шаҳримизнинг гўзал, тоза, кўркамлигига янада кўпроқ ҳисса қўшган ҳолда кутиб оламиз.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**  
СУРАТЛАРДА: бўлиб ўтган Умумшаҳар хашаридан лавҳалар

Ҳақимжон Солихов  
олган суратлар

## КУЧЛИ ИҚТИСОДИЁТДАН — ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ЮКСАЛИШИ САРИ

**ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ РЕСПУБЛИКА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ЧУҚУР МАЗМУНГА ЭГА, ДАСТУРИЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК БЎЛГАН МАЪРУЗАСИ ХОРИЖ МАТБУОТИДА, ТУРЛИ МАМЛАКАТЛАР РАСМИЙ ВА ЭКСПЕРТЛАР ДОИРАСИДА ШАРҲЛАНИШИ ДАВОМ ЭТМОҚДА.**

Кўпгина оммавий ахборот воситалари, жумладан, араб дунёсидаги етакчи агентликлардан бири MENA ахборот маҳкамаси, "The Statesman" (Покистон), "Tehran Times" (Эрон), "Ал-Мустақбал" (Миср), "Экспресс-К" (Қозғоистон), "Тожикистон" сингари газеталар ўз саҳифаларида маъруза матнини тўла ёки қисқартirilган ҳолда эълон қилдилар.

"Қазинформ" агентлиги тарқатган хабарда республикамиз Президенти маърузасида акс этган кен-

қўламли фикрларни келтирар экан, жумладан, куйидагиларни қайд этади: "ЯИМ ўсишининг барқарор сурбатлари эътиборни ўзига тортадики, у кейинги йилларда 7 фоиздан зиёдн ташкил этиб келмоқда. 2000 йил кўрсаткичларига солиштирилганда, иқтисодиёт ўсиши 30,1 фоизни, 1991 йилга нисбатан эса — 28,2 фоизни ташкил этди. Юзага келган тенденция — бозор ислохотлари ва мамлакатни модернизациялашнинг чуқур ўйланган ҳамда узок муддатли дастурий юза-

сидан босқичма-босқич, тизимли, изчил ва қатъий ишлар натижасидир. **Расмий кишилар фикр-мулоҳазалари орасида Россия Давлат Думаси раиси Б.Гризов бошчилигидаги парламент делегацияси аъзолари билдирган фикрларни алоҳида кўрсатиш мумкин. Делегациянинг Ўзбекистонга ташрифи арасида ушбу маъруза матбуотда чоп этилган эди. Россия парламенти аъзолари республика ижтимоий-иқтисодий та-**

риққиети борасидаги муваффақиятларини юқори баҳолашар экан, ушбу маърузада келтирилган рақамлар ва уларнинг таассуротлари ҳамоҳанг эканига бевосита ишонч ҳосил қилишганини билдирдилар.

Украина Ташқи ишлар вазирлигининг учинчи ҳудудий бошқармаси бошлиғи Я.Асмон ва Украина Иқтисодиёт вазирлигининг МДХ департаменти директори В.Шевченко Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши муваффақиятларини, 2005 йилдаги макроиқтисодий кўрсаткичларнинг изчил ўсишини юқори баҳолашди. Улар бундай натижалар республика раҳбариятининг мамлакатда қонунчилик асосларини такомиллаштиришга, тадбиркорлик фаолияти шарт-шароитларини тубдан яхшилашга катта эътибор қаратаётганининг самараси эканини қайд этишди.

( Давоми 2-бетда )

## Тошкент шаҳар ҳокимлигида

### ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛИШИ КЕРАК

**КУНИ КЕЧА ПОЙТАХТДА ШАҲАР ФАОЛЛАРИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2005 ЙИЛДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ ЯҚУНЛАРИ БАҒИШЛАНГАН ЙИГИЛИШДАГИ МАЪРУЗАСИДА БЕЛГИЛАНГАН УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА ЖОРИЙ ЙИЛ УЧУН БИРИНЧИ ГАЛДАГИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ.**

Кун тартибидеги асосий масала юзасидан сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқоҳор Тўхтаев 2005 йилда эришилган натижаларни таҳлил этар экан, бутун республикадаги каби пойтахтда ҳам бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнилари давом эттирилганини таъкидлаб, бу борада давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида белгилаб берган устуворликларига мувофиқ иш олиб борилганлигини алоҳида қайд этди. 2005 йилда бозор ислохотларини янада

чуқурлаштириш ва тадбиркорликнинг барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган бир қатор янги меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, татбиқ этилиши ижтимоий-иқтисодий ривожланишда муҳим бурилиш ясади. Жумладан, солиқ юкининг кескин қисқартирилиши, хўжалик субъектларини рўйхатдан ўтказиш ва улар томонидан ҳисобот тақдим этиш қоидаларининг тартибга солиниши текширувлар тизими такомиллаштирилиб, анча камайирилиши ҳисобига кичик бизнес ва хусусий тарбиқорликнинг ҳуқуқий ҳимоясини янада мустаҳкамлашга, уларнинг ҳарака-

тини фаоллаштиришга ва шу орқали пойтахт ва мамлакат миқёсида иқтисодиётдаги улушини оширишга замин яратди.

Иқтисодиётнинг тизимли ва таркибий жиҳатдан изчил янгилашиши пойтахтда ҳам макроиқтисодий ва молиявий муносибликка эришишга, асосий иқтисодий йўналишларнинг жадид ривожланиб, умумий иқтисодий ўсиш ҳам юқори кўрсаткичлар билан таъминланишига ва пировардида биринчи галдаги ижтимоий масалаларнинг ҳал этилишига асос бўлди.

( Давоми 2-бетда )

**XXI АСР**  
**САДОСИ**  
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН  
СЎНГГИ ХАБАРЛАР

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, экспертлар, мутахассислар, олий ўқув юртлири журналистика факультетларининг профессор ва ўқитувчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида Олий мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитасининг "Телерадиоэшиттириш тўғрисида"ги янги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда қонун лойиҳасини муҳокама қилиш давомида ушбу ҳужжат юзасидан кўплаб таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.

● Самарқанд, Наманган ва Жиззах вилоятлари фаолларининг 2005 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодиётни ислох қилиш ва эркинлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган йиғилишлари бўлиб ўтди. Анҷуманларда асосий эътибор ўтган йил сарҳисоби ва Юртбошимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги шу масалага бағишланган маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларни бажаришга қаратилди.

● Хива шаҳрида "Малика — Хоразм" меҳмонхонаси илк хорижий сайёҳларни қабул қилди. Янги меҳмонхона Ичон қалъа ичкарасида — унинг дарвозаларига яқин ерида жойлашган бўлиб, сайёҳлар учун барча шарт-шароитлар яратилган.

● Кейинги пайтда Навоий вилоятидаги фермер хўжалиқларининг сони 1000 тага ошди. Уларга техника воситаларини етказиб беришда эса "Ўзқилишқомашнинг" акциядорлик компаниясининг вилоят филиали катта кўмак кўрсатмоқда. Чунончи, ушбу компания фермерларга "ТТЗ-80" русумидаги 10 та трактор ва кўплаб бошқа қишлоқ хўжалик техникасини етказиб берди. Шунингдек ўтган йили фермерлар лизинг йўли билан 90та ҳар хил техника воситаларини харид қилдилар.

● Кўкондаги "Ўзбегим қўйлақлари" савдо-ишлаб чиқариш фирмаси мутахассислари томонидан қисқа муддат ичида эркаклар қўйлақларининг 20га яқин янги моделлари ўзлаштирилди. Ҳозирда қорхонада жорий йилга мўлжалланган қийимлар коллекцияси ишлаб чиқилмоқда.

● Поп туманидаги Фурумсарой қишлоқ фуқаролар йиғини қошида ташкил этилган "Ободончилик ва ижтимоий хайрия" жамғармаси икки йилдан буюн аҳолининг кам таъминланган қисмини қўллаб-қувватлаш, қишлоқ инфратузилмасини шакллантириш борасида аниқ дастур асосида фаолият олиб бормоқда. Фурумсаройлик фермерлар мазкур жамғарма ҳисобига 3,5 миллион сўм миқдориди маблағ ўтказилди.

● Шаҳрисабз қишлоқ хўжалик коллежиде Япония халқаро ҳамкорлик банкнинг имтиёзли кредити асосида "Қасб-хунар таълимини ривожлантириш лойиҳаси" мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Унда Қашқадарё вилоятидаги академик лицей ва қишлоқ хўжалиги коллежлари раҳбарлари, педагог муҳандислари иштирок этди. Мана шу йўналишдаги тадбирлар Қарши саноят коллежи ва Бешкент қишлоқ хўжалиги коллежиде ҳам ўтказилди.

## ЖАҲОНДА

● Доғистон Давлат кенгаши раиси Магомедов Магомедов ўз ваколатини муддатидан олдин топширишини билдирди. Магомедовнинг айтишича, республиканинг янги раҳбарлигига номзод бор, бироқ унинг исмини эълон қилишдан олдин у Давлат кенгаши билан маслаҳатлашиши керак. Мутахассисларнинг фикрича, Магомедовнинг истеъфоси зўравонликларга асосланган ҳокимият учун курашни келтириб чиқариши мумкин.

● ХАМАС гуруҳи Фаластин мухторияти бош вазири лавозимига 43 ёшли Исмоил Ханияни номзод этиб кўрсатди. Янги таркибдаги парламент яқин кунлар ичида қасамёд қабул қилиб, Хания номзодини тасдиқлаши керак. Исмоил Хания эса янги ҳукуматни шакллантиради.

● АҚШ Президенти Жорж Буш Ироқ ва Афғонистондаги ҳарбий амалиётлар учун конгрессдан қўшимча 72,4 миллиард доллар маблағ сўради. Президентнинг режасига мувофиқ, бу маблағнинг 65,3 миллиарди Пентагонга ҳарбий компанияларни бевосита молиялаштириш учун, қолган қисми эса АҚШ давлат департаменти ва разведка хизматида йўналтирилади.

● Тинимсиз ёққан ёмғирлар Филиппиндаги Лейте оролида ер кўчишига олиб келди. Табиий офат оқибатида 400 та хонадон ва мактабни ўз ичига олган 2 та кичик қишлоқ 10 метрлик лой қатлами остида қолди. Натижада камида 500 киши ҳаётдан кўз юмган ва 1800 киши бедарак йўқолган деб ҳисобланмоқда. БМТ, Халқаро Қизил Хоч кўмитаси ҳамда Америка ҳукумати мамлакатга дастлабки моддий ёрдамни кўрсатди.

● Ҳиндистон гарбидаги паррандачилик фермаларидан бирининг соҳиби парранда гриппи хасталиги оқибатида ҳаётдан кўз юмди. Бу мамлакатда ушбу касалликдан вафот этган дастлабки кишидир.

# КУЧЛИ ИҚТИСОДИЁТДАН — ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ЮКСАДИШИ САРИ

(Давоми. Бош 1-бета)

Белоруссиянинг Россия Федерациясидаги элчиси, ЕвразЭСдаги мухтор вакили В.Григорьев Узбекистон Президентини маърузасидан чуқур қониқиб ҳосил қилгани ҳамда янги ички махсулот, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришдаги ўсиш суръатларидан, шунингдек, маърузада белгиланган берилган 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш борасидаги вазифалардан ҳайратланганини айтди.

Ислон Каримов маърузасида Россия ва МДХ мамлакатлари илмий жамоатчилиги ва иқтисодий соҳа мутахассислари орасида ҳам катта акс-садо берди. Жумладан, Россия Фанлар Академияси иқтисодий институтининг директори Р.Гринберг МОХТ билан ЕвразЭС узвара қўшилгани назарда тутилган ҳолда Узбекистон Президентининг маърузаси МДХ муаммолари билан шуғулланувчи россиялик олим ва мутахассисларнинг тадқиқотлари учун муҳим манба эканлигини таъкидлади. Шундан келиб чиққан ҳолда у 2005 йилда иқтисодий иқтисодий кўрсаткичларга эришган Узбекистон ўз тараққиёт режаларини мувофиқлаштириши асосида жорий йилда иқтисодий-иқтисодий соҳада янада собитқадам ривожланиши мумкин, деб ҳисоблайди.

Россия Стратегик ва сиёсий тадқиқотлар маркази вице-президенти И.Звягельскаянинг фикрича, ушбу маъруза муҳим дастурий ҳужжатдир. Унда 2005 йилда мамлакат иқтисодиётининг ислохот этидидаги ютуқлар билан бир қаторда иқтисодий ва иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналишлари ҳам белгилаб берилган. Унинг таъкидлашича, ушбу маъруза давлат истикболларини янги ёндошувлар инъикосида қўришига интилаётган кўрсаткичлар учун долзарб ва зарурий муҳим ҳужжат бўлди.

И.Звягельская Узбекистон ўз салоҳиятига мунанд равишда ривожланишга қодир бўлган кудратли мамлакат эканлигини қайд этди. Унинг фикрича, бу жуда муҳим жиҳат, зотан Узбекистон ўз даврида МДХнинг бошқа ақсарият мамлакатларида рўй берган фалаж қилиб доволанган олдини олишга муваффақ бўлган. Шу маънода, ушбу ҳужжат хозирги босқичда иқтисодиётдаги тизимли ислохотларни амалга ошириш учун асосий дастур бўлиб хизмат қилади. И.Звягельская Узбекистон Президентини маърузаси мамлакатнинг тизимли ривожланиши янги шаклларига ўтишга тайёр эканлигини долалат беришини алоҳида таъкидлади.

МДХ мамлакатлари институти директорининг ўринбосари В.Жарихиннинг қайд этишича, маърузада республиканинг 2005 йилги иқтисодий

иқтисодий ривожланишини яққол акс эттирган рақам ва ахборот кўрсаткичлари ҳам ўз аксини топган. Шу муносабат билан В.Жарихин Узбекистон иқтисодиётининг асосий ютуқларидан бири сифатида ўтган йилги иқтисодий ўсиш суръатларига алоҳида ўрға берди. Бироқ экспертнинг айтишича ҳайратта солган кўрсаткич бу «ЯИМ ҳажмининг 1991 йилдагига нисбатан 28,2 фоизга ўсгани бўлиб, бунга Россия Федерацияси ҳам, Қозоғистон ҳам ва, қолаверса, МДХнинг бошқа кўпгина мамлакатлари ҳам ҳавас қилса эришди».

Қозоғистон тараққиёт институти президенти М.Спанованинг сузларига қараганда, «Узбекистонда макроиктисодий кўрсаткичларнинг ўсиши сўнгги пайтда республика иқтисодиётида рўй бераётган салмоқли иқтисодий ўзгаришларнинг натижаси бўлиб, бу кишини қовватирмай қўймайдиган ҳолдир». У иқтисодий ислохотларнинг ўзбек модели қийин ўрганишга мўллик экани ва у жуда муҳим қизиқлиқ ўйгатаётганини қайд этди. Зотан, унинг фикрича, «Қозоғистон иқтисодиётининг ўсиши кўпроқ хом ашё омилга боғлиқ, ваҳоланки, ишлаб чиқариш тармоқларининг ривожланиб бораётгани Узбекистонга хосдир».

Ўзбекистондаги «Humanist» республика газетаси бош муҳаррири Т.Гейдаровнинг фикрича, маъруза «янги ва ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган дастурий ҳужжат бўлиб, амалда мамлакат ва жамяят тараққиётининг ҳамма томонларини қамраб олган, қўйилган устувор мақсадларга эришиш тақдирини аниқ-тиниқ белгилаб берган». Унинг айтишича, биринчи галдаги вазифалар сифатида «Узбекистон раҳбари солиқ ислохотини жадаллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификациялаш зарурлиги ва, айниқса, солиқ тарифларининг қисқартирилиши масаласини унда ўз вақтида ва тўғри қўйган, негаки давлат газнасининг тўлиб бориши, самаралар ва салоҳияти бюджетни шакллантириш кўп жиҳатдан айнан бу соҳадаги ўзгаришларнинг муваффақиятига боғлиқдир».

«Билик дунёси» (Билим дунёси) нашриёт уйининг бош директори Г.Третьяков Узбекистон Президентининг устувор йўналишлар ва жамяят тараққиёти босқичларини белгилашга тизимли ва илмий тарзда ёндошаётгани унга жуда маъқул эканлигини таъкидлади. У маърузада айтиб ўтилган тайёр ва рақобатбардор махсулот ишлаб чиқаришга туртки бериш оқилол саноат ва қишлоқ хўжалигидаги бандликни таъминлаш нафақат иқтисодий, балки сиёсий аҳамиятга ҳам эга экани, одамлар фаровонлигининг ошиши, улар меҳнатига яраша ҳақ олиши кўп жиҳатдан

ана шунга боғлиқлиги, бу эса ўз навбатида, «ижтимоий тараққиот ва жамятининг баъзи катламларидаги ишонсизликни пасайтиришга хизмат қилиши» тўғрисидаги таъминли жуда тўғри, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, экспортнинг рағбатлантирилиши ва давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ҳам жуда долзарбдир, чунки инсоний, табиий ва интеллектуал ресурсларга эга бўлган Узбекистон бу борада улкан салоҳиятга эга. Шу муносабат билан Г.Третьяков Узбекистоннинг Евроосий иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиши бажораси ва солиқ соҳасидаги ислохотларнинг тезлашишига олиб келаётганига ишонч билдирди. У, шунингдек, маърузанинг республика фуқаролари учун амалий аҳамиятга эга бўлган суд-маъмурий тизими соҳасидаги ислохотларга, давлат идораларининг ҳўжалиқ юришчи субъектлар, хусусий бизнес билан шуғулланаётган жисмоний ва юридик шахсларнинг фаолиятини назорат қилиш функцияларини қамраб олишга лозимлиги таъкидланган қисмига ҳам эътибор қаратди. Унинг таъкидлашича, бу «барча ривожланган мамлакатларда ҳўқуқнинг асосий таянчи бўлган жамяят ўрта катламини муштамлашга қўмақлашди».

Осиё мамлакатлари ва Ислон давлатларининг экспертлари Узбекистон иқтисодий салоҳияти билан бир қаторда мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий трансформация моделига ҳам катта қизиқлиқ билдиришиб, мамлакатимизнинг бутун Марказий Осиё минтақасидаги иқтисодий соҳасидаги тараққиёт, шу билан бирга ҳаёқсизлик масалаларидаги алоҳида ўрнини қайд эттишмоқда.

Узбекистоннинг ўтган йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши натижаларига Япониядаги «Nomura Research Institute» «NRI» тадқиқот институтининг масалаларига Т.Тамада ҳам юқори баҳо берди. Унинг фикрича, Узбекистон ва унда қўшни бўлган Марказий Осиёнинг бошқа давлатларидаги ислохотларнинг қийсий таҳлили мамлакат раҳбарияти томонидан босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг самарадорлигидан далолат беради.

Т.Тамада хусусий сектор молия-ҳўжалиқ фаолиятига давлат ва назоратчи тизимлар аралашуви кескин қисқартириш борасидаги республика ҳўқуқати ёндошувининг долзарб эканини таъкидлади. Япониялик экспертнинг фикрича, бу қорхоналарнинг мушакил фаолият кўрсатиши ва рақобатбардорлигини ошириш имконини беради.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) бош қотиби ўринбосари Сўҳроб Шаҳобий ҳам Узбекистоннинг 2005 йилдаги иқтисодий

ўсиш кўрсаткичларини иқтисодий баҳолади. Унинг сузларига қараганда, иқтисодиётда эришилган иқтисодий натижалар ички барқарорлик ва мамлакат раҳбариятининг минтақадagi ҳавфсизликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларининг самараси бўлди. У, шунингдек, республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг иқтисодий таърибаси таҳлили ташкилотнинг шу ой охирида chop этилаётган бюллетени саҳифаларидан жой олишини ҳам маълум қилди.

Индонезия ТИВ масъул ходими З.Арифин ҳам Узбекистон Президентини Ислон Каримовнинг маърузасини катта қизиқиб билан ўқиб чиққанини айтди. «Авалло, маъруза билан танишиб шунга ишонч ҳосил қилдимки, замонавий Узбекистон ЯИМ йиллик ўсиш ҳажми 7 фоиздан зиёдни ташкил этгани ҳолда барқарор ривожланиб бораётган мамлакатдир. Сўнгги пайтларда иқтисодиёти катта суръатлар билан ривожланиб бораётган Хитой ва Хиндистон тўғрисида кўп гапирилмоқда. Энди мен ўзим учун сезинган мамлакатингизни кашф этдимки, у юқорида номлари келтирилган давлатлардан қолишмаган ҳолда иқтисодий тараққиёт йўлида ишонч билан ҳаракатланмоқда.

Муштақилликнинг 15 йилли давомида юртнинг оёққа муштажам туриб олишга муваффақ бўлди, у барқарор макроиктисодий кўрсаткичларга эга, ва, муҳими, тараққиёт йўлида шаҳдам қадам ташлашда давом этмоқда. Маълумки, тараққиётнинг бир моделидан иқтисодий ўтиш кўпгина муаммолар билан боғлиқ. Шу маънода, мамлакатимиздаги бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган ислохотлар ва бу йўлда қўлга киритилаётган натижалар янада катта салмоқ касб этади. Президент маърузасида ўз ифодасини топагиндек, Узбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ўзгаришлар халқнинг турмуш даражасини оширишга қаратилган. Ҳўқуқнинг режалаштириганидек, 2006 йилда маошларни яна ошириш ва аҳолининг аниқ даромадлари ҳажмини қўпайтириш борасида қўрадан чора-тадбирлари менда таассурот қолдириди».

Миср парламенти юқори палатасининг Ташиқ сиёсат ва мудофаа бўйича қўмитаси раиси Махмуд Басюний Президент И.А.Каримов маърузасини шарҳлар экан, Узбекистоннинг барқарор тараққиёт йўлида эришган иқтисодий кўрсаткичлари амалга оширилаётган ислохотларнинг аниқ-равшан натижаси эканини қайд этди. М.Басюний мамлакатимиз раҳбарининг ислохотлар ислохот учун эмас, балки фуқаролар фаровонлигини яхшилаш учун ўтказилиши тўғрисидаги сузлари Миср учун ҳам долзарб эканини таъкидлади.

«Жаҳон» АА

(Давоми. Бош 1-бета)

2005 йилда ҳудудий ички махсулот ҳажмининг ўсиши 111,4 фоизга тенг бўлди. Саноатда ишлаб чиқариш ҳажми 18,8 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми — 13,6 фоизга, пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми 8,4 фоизга ошди.

Бу кўрсаткичлар, шубҳасиз, авваламбор давлат ва маҳаллий бюджетнинг даромад қисмини ортга билан бажаришга имкон берди. Жумладан, пойтахтнинг давлат бюджетидagi улushi 8 фоизга ошган бўлиб, маҳаллий бюджетнинг кутилган режаси 102,5 фоиз ҳажмида таъминланди.

Бюджетта солиқ ва бошқа туловлар мажбуриятларининг бажарилиши эвазига пенсия, нафақалар ҳамда бюджет ташкилотларига ойлик маоши вақтида тўланади. Ҳў навбатига, аҳоли даромадларининг ўрта ҳисобда 25,5 фоизга ошгани ҳам қузатилади.

«Бандлик» давлат дастури иқтисодини таъминлаш борасида ҳисобот йилида 43.554 та янги иш ўринлари яратилди, шундан 64 фоиз кичик бизнес тузилмалари ҳисобига тўри келди.

Утган йилги иқтисодий аҳамиятга эга объектларни қуриш масаласи ҳам вақтида ҳал этилди. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумийлиги дастурига асосан 2005 йилда 14 та мактаб капитал реконструкция қилиниб, 21 таси тубдан ва жорий таъмирланди, шунингдек 5720 ўринга мўлжалланган тўртта касб-ҳуна қоллеклари фойдаланишга топширилди. Сергели туманида янги кўприк барпо этилди, Яқасарой ва Миробод туманларида йўллар кенгайтирилиб ободонлаштирилди. Алишер Навоий номидаги Миллий бoғ ҳамда Абдулла Қодирий номидаги истироҳат боғида олиб борилаётган кенг қамровли ободонлаштириш ва қурилиш ишларининг навбатига бошқичи яқунланди. «Ешлик» шаҳарчасида талабалар турар жойлари тўлиқ таъмирдан чиқарилиб замонавий қурилишга эга бўлди. Деярли ҳар бир туманда янги спорт мажмуалари ишга туширилди. «Сиват-саломатлик йили» дастури доирасида тиббиёт муассасаларини қуриш ва таъмирлаш ишларида бюджет ҳисобидан 900 миллион сўм ажратилди.

Иқтисодий ўзгаришлар пойтахтнинг ташки иқтисодий фаолиятида, «чўноқи инвестициялар ҳажми қўпайишида ҳам ўз аксини топди. Утган йилги умумий қиймати 105,1 миллион АҚШ долларига тенг 48 та янги лойиҳалар амалга оширилиб, бунда 58,3 миллион АҚШ долларига тенг тўридан-тўри инвестициялар ўзлаштирилди. Таъбиқ этилган йилги лойиҳалар қаторига «Байтек-тикарет», «Айдем-текстиль», «Муруват-текстиль», «Таштекстиль», «Шарк-модел» қўшма қорхоналарини қиритиш мумкин. Хорижий сармоядорлар иштирокидаги бу қорхоналарда ўрнатилган замонавий ускуна ва техник дастўқлар ишлаб чиқарилаётган махсулотларнинг асосий қисмини яқин ва узок хориқ мамлакатларига экспорт қилишга асос бўлмоқда.

Ҳисобот даврида иқтисодиётни модернизациялаш ҳисобига экспорт ҳажмини 105 фоизга бажаришга эришилди. Шунин алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, бунда хусусий тадбиркорликнинг улushi салмоқли бўлди. Яқна тарзда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар томонидан экспорт қилинган махсулот ва хизматлар ҳажми 19 миллион АҚШ долларига яқин микдорни ташкил этди.

Иқтисодий кўрсаткичлар билан бир қаторда йиғилишида шунингдек, шаҳар ҳўжалигининг айрим соҳалари, айниқса уй-жой-коммунал соҳаси таъкидлий таҳлил этилди. Бугунги кунда уй-жой фонди бошқарувини тартибга солиш бўйича амалга оширилган аниқ чора-тадбирлар, кўп қаватли уйларда олиб борилган катта ҳажмидаги ободонлаштириш ва таъмирлаш ишларига қарамасдан, хануз бу тизимда бозор механизмлари жорий этилмагани, коммунал хизматлар, пудрат ва таъмирлаш ишлари бозори шакллантирилмагани, рақобат широкати яратилмагани, бу эса биринчи галда уй-жой мулкдорлари фаолиятига салбий таъсир кўрсатаётгани, қолаверса улар ҳақиқий ўзини ўзи бошқариш институти макомига эриша олмаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди. Уй-жой мулкдорлари ширкатлари раҳбарларининг касбий маҳорати даражаси ҳам паслигича қолмоқда. Хусусан, яқинда ўтказилган шавҳадат кўриги натижалари бўйича 131 нафар ширкат раҳбарлари ишга номунасиб деб топилди, 47 таси — вазифасидан озод қилинди. Молиявий фаолиятда йўл қўйилган қонун бузилишлар, аҳоли маблағлари максалди сарфланмаганлиги оқибатида 30 нафар ширкат раҳбарларига нисбатан 3,7 миллион сўмга тенг жимий ишлар қўзғатилган. Биргина Юнусобод тумани бўйича прокуратура даражасида 5 нафар ширкат раҳбарларининг иши қўрилатгани ҳам ачинарли ҳолдир.

Шаҳар уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси раиси Аҳам Миржалиловнинг таъкидлашича, бундай салбий ҳолатларга барҳам беришда тегишли мутасадди идоралар, шу жумладан назорат-таъбиқ комиссиясининг қўмағи алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада акциядорлик-тикарот Ипотекка банки ҳам уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан йўл қўйилаётган молиявий қонун бузилишларини вақтида аниқлаш масалаларида масъулиятни янада қўпайтириши лозим дея айтиб ўтилди. Бундан ташқари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари раҳбарлари учун ўтказилаётган семинар машғулотлари бўйича сезиларли самарага эришишда уюшмаларнинг мод-

дий-техник негизини ошириш, уларни услубий адабиёт билан таъминлаш масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, жойларда коммунал соҳада амалга оширилаётган ишларда маҳалла оқсоқолларида ташаббускорлик этишмаётгани, айниқса таъмирланган кўп қаватли уй-жой фондини сақлаш, худудларнинг санитар ҳолатига эътибор қаратиш борасида жамоатчиликни жалб этиш ва уй эгаларининг мулкка бўлган муносабатини ўзгартириш юзасидан керакли чора-тадбирлар ўтказилаётгани кўрсатиб ўтилди.

Коммунал хизматлари учун дебитор қарзларни қисқартириш масаласи ҳам сурункалигича қолмоқда. Суд органарига 28,4 миллиард сўмга тенг коммунал туловларини ундириш бўйича тақдим этилган даъво аризаларининг бугунги кунга келиб атиги тўртдан бир қисми қоплангани эса кишини ҳавотирга солмаслиги мумкин экани.

Коммунал хўжалигининг айрим тармоқларида хизмат кўрсатиш бўйича истеъмолчилар билан, хусусан юридик макомдаги истеъмолчилар ўртасида шартномалар тўлиқ амалга оширилмаган. Таҳлиллар шунини кўрсатадики, «Тошшаҳарэлектротармоқлари» қорхонаси томонидан 12 минг субъект билан шартнома тўзилган бўлса, аслида бугунги кунда шаҳар бўйича юридик шахслар сони 30 мингдан зиёдни ташкил этади.

Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи Шароф Каримовнинг ахборотига қўра, бугунги кунда энергия ресурслари бесамар сарфланганининг олдини олиш, коммунал хизматлар кўрсатиш қор-

хоналарининг молиявий аҳолини яхшилаш мақсадида махсус ишчи гуруҳи ташкил этилган бўлиб, айна пайтда «Тошхисикликкуватни» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Тошхисикликмаркази» акциядорлик жамяти ва «Сувос трести» давлат унитар қорхонасида тегишли мониторинг ишлари олиб борилган. Субъектлар раҳбарларига тавсия этилган тегишли тақлифлар натижасида аҳолини ижтимоий ҳўжамлашга йўналтирилган чора-тадбирлар эвазига, хусусан иссиқ сув таъминоти учун тўлов ҳажмини бир ойга 1924 сўмдан 1550 сўмга қамайтиришга эришилди. Улгуричи истеъмолчилар учун эса иссиқлик энергияси учун тўлов 1285 сўмга оширилди. Бундай чораларнинг қўланилиши, ўз навбатида, ишлаб чиқариш бирлашмасининг кредитор қарзини кескин равишда — 48 фоизга қисқартиришга имкон яратди.

Шу каби молиявий оқломлаштириш тадбирларининг амалга оширилиши натижасида «Сувос трести» давлат унитар қорхонаси илк бор ҳисобот йилини соф фойда билан яқунлади, холбуки унинг ўтган йил бошига қўрган зарари 2,4 миллиард сўмга тенг бўлган эди.

Аммо шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Зафар Хошимовнинг маълумотига қараганда, айна «Ўзқоммунизм» тизимидаги қорхоналарнинг бюджетга бўлган бoқимандлик хануз юқори бўлиб қолмоқда. Умуман олганда эса қорхона ва ташкилотларнинг шу йилнинг бошига бўлган бoқимандлик жорий қарзлари 25 миллиард сўмдан кўпроқ маълуман ташкил этмоқда.

Бюджетга бўлган қардорликнинг асосий қисми айна пайтда иқтисодий оқломлаштириш ҳамда тугатиш жараёнини давом эттирилаётган қорхоналарга тааллуқлидир. Ҳисобот даврида пойтахтда 232 та зарар қўриб ишлаган ва 103 та иқтисодий нонор қорхоналар аниқланган. Жойлардаги ҳокимликлар билан олиб борилган тегишли чора-тадбирлар натижасида зарар қўриб ишлаётган қорхоналарнинг 69 фоизида вазият барқарорлаштирилди. Иқтисодий нонор қорхоналар лойиҳасига қиритилган 57 та қорхона ҳам ўз кредитор қарзларини қоплашга эришди. Бундан ташқари, истиқболсиз қорхоналар қаторидан жой олган 25 та ҳўжалиқ субъекти ҳам ўз молиявий аҳолини яхшилади. Буларнинг ақсариятида таркибий ўзгаришлар юзасига келиб, янги ишлаб чиқариш жараёнилари ташкил этилди, шу жумладан 4 та қўшма ва 13 та шўбха қорхоналари ўз фаолиятини бошлади. Бу ерда жами 415 та иш ўринлари қайта тикланиб, 11,5 миллиард сўм сармоялар жалб этилди.

Шундай бўлсада, «Ўқшилоқмашҳолдин» қорхоналарида таркибий ўзгаришлар жараёнилари ўта суст олиб борилмоқда. Масалан, «Тошкент трактор заводи» давлат акциядорлик жамятининг оладиган бўлса, унинг умумий майдони 57 гектарни ташкил этади, аммо бугунги кунда асосий қисми ишлаб чиқариш жараёни билан тўлиқ қамраб олинмаган. Қорхонанинг қарзи эса 19 миллион сўмга тенг ташкил этилмоқда. Бу ерда ишлаётган 200 кишининг, агарда улар тўлиқ ҳажм билан фаолият қўрсатган тақдирда ҳам, бутун қорхонани таъминлашга қодир эмаслиги яши маълум. Бироқ иқтисодий ўсиш учун бу ерда асосий ресурслар мавжуд деса бўлади. Жамяят ҳудудида неча йиллардан бери 1,2 миллиард

сўмга баҳоланган қурилиши тугатилмаган бино музлатиб қўйилган. Бундан ташқари, фойдаланилмаётган ускуналар қиймати 80 миллион сўмни ташкил этади. Тошкент трактор заводи қишлоқ хўжалиги учун зарур дастўқлар ишлаб чиқиш борасида катта таърибга ва улкан салоҳиятга эгадир. Демак, агарда иқтисодиётнинг бундай долзарб тармоғига сармоядорларни жалб этиш масаласига янада масъулиятлироқ, қолаверса мулк эгаси нуктаи назардан ёндошилса, шубҳасиз, нафақат қарзларни кескин қисқартириш, балки ишлаб чиқариш ҳажмларини қўпайтириш, айланма маблағларини ҳам оширишга асосий замин яратилади.

Айна пайтда «Тошхисиклик» акциядорлик жамятида ҳам таркибий ислохотларни давом эттириш дўрамидир. Ҳўзирда бу ерда қорхона ҳудудининг атиги 5,1 қисми эғаллаб турган 2 та янги қўшма қорхона фаолият юритмоқда. Қишлоқ хўжалиқ машиналари учун дастўқлар чиқаришга иқтисодлаштирилган қўшма қорхонанинг биринчи ҳисобот йилининг якунига 48 миллион сўмга тенг соф фойда олинган, 5 миллиард сўмга тенг бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилган, Туркияга 17 та пахта териш машиналари экспорт қилинган. Ишчилар сони ҳозирча 320 та кишини ташкил этаётган.

Иккинчи қўшма қорхонада эса экспортга йўналтирилган тўқув ва тикув махсулотлари ишлаб чиқарилади. Бу ерда тўлиқ қувватга эришилиши билан 1,5 мингдан ортиқ киши иш билан таъминланади.

Давлат дастурига қиритилган инвестиция лойиҳаларини ўзлаштириш ишлари ҳам қоникариоз бўлиб қолмоқда. 2004 йилда 14,9 миллиард АҚШ долларига тенг кредитлар ўзлаштирилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткичнинг деярли 9 баробарга қамайгани қузатилади. Асфальт заводини модернизациялаш бўйича белгиланган дастўбга вазифалар амалга оширилмаган. Бу қорхонанинг ишга туширилиши эса коммунал хўжалигидаги тегишли хом ашёга бўлган эътиб жўмамосини тўлиқ ҳал этишга йўл очди. «Сувос трести» давлат унитар қорхонаси бўйича энергия ресурсларини 200 миллион сўмга иқтисод қилиш имконини берувчи тегишли ускуналарни алмаштириш бўйича лойиҳа ҳам таъбиқ этилмаган.

Ислон банкнинг кредит маблағлари эса Юнусобод туманида коллектор мажмуасининг қурилишига йўналтирилган. Аммо айна пайтда мазкур объектнинг техник-иқтисодий асослари хануз яқунланмаган. Бундан ташқари, жорий йилда шаҳар уй-жой фондида иссиқлик таъминотини яхшилаш учун 41 миллион АҚШ долларига тенг кредит тартибига 31 миллион АҚШ долларини ўзлаштириш режалаштирилган. Шаҳарнинг санитар тозалигини таъминлаш бўйича лойиҳа давом эттирилмоқда. Айна галдаги босқичда «Хунда» русумли 20 та янги махсус машиналар келтирилган. Йил якунига қадар чикинди ташкил машиналар паркинни яна 80 та Жанубий Кореянинг шундай техникаси билан таъминлаш режалаштирилган.

Юқорида қайд этилган инвестиция лойиҳаларининг асосий қисми шаҳар коммунал соҳасини модернизация қилиш ва таксимлаштиришга йўналтирилган. Уларнинг таъбиқ этилиши биринчи навбатда коммунал хизматлар сифатини янада яхшилаш, санитар тозалаш тизими, шунингдек, аҳолини иссиқлик ва ичимлик суви билан таъминлаш борасидаги сурункали муаммоларни ҳал этишга имкон беради.

Йиғилишида сузга чиққан Узбекистон Республикаси Бош вазирини ўринбосари Нодир Ханов коммунал соҳасидаги масалалар устида алоҳида тўхталиб ўтиб, айниқса уй-жой-коммунал соҳасини тубдан яхшилаш бўйича белгиланган устувор вазифаларни таъбиқ этиш ва таъминлаш борасида ҳар йил Тошкент шаҳри — пойтахт учун янги босқич, кескин иқтисодий бурилиш йили бўлиб қолши лозим дея таъкидлади. Ушбу мақсадга эришиш учун барча тегишли тузилмаларга мажмуий равишда ҳаракатлар улуғбини ишлаб чиқар тавсия этилди. Туман ҳокимликларига уй-жой фондини бошқариш масалаларида, ташкилий масалаларда бевосита ёрдам бериш, моддий-техника негизини муштажамлаш, коммунал хизматлар ва пудрат ишлари бозорини профессионал мақомга эга ташкилотлар таркибида шакллантириш масалаларида ҳам қўмақлашиш вазифаси топширилди. Шу билан бир қаторда барча бўғиндаги раҳбарларнинг эътибори ҳар бир соҳада авваламбор сифат ўзгаришлари, бозор ислохотлари йўлидан илгари боришга эришиш зарурлигига қаратилади, зеро бунинг натижасида, шубҳасиз, давлатнинг бош мақсади — ислохотлар инсонлар учун хизмат қилишига эришилади. Демак, бу борада ислохотларнинг қандай самара бераётгани, улар одамларнинг иқтисодий аҳолига қай тариха таъсир кўрсатаётганлигини ҳам алоҳида ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Асосий маъруза юзасидан музокараларда шунингдек шаҳар Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси бошлиғи Одамбой Ибрагимов, Мирзо Улугбек тумани ҳокими Шавкат Ирғашев ва Юнусобод тумани ҳокими Қобил Фармонов сузга чиқди.

Йиғилишида қўрилган барча масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар ва тақлифларни инобатга олган ҳолда тегишли қарорлар чиқарилди.

Ильмира ЗАЙНУДИНОВА

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● Польша Президенти Лех Каченский мамлакат парламентини тарқатиб юбормаслигини ва мuddатидан аввал парламент сайлови ўтказилмаслигини маълум қилди. Президент маъмуриятини олинган маълумотларда айтилишича, икки ҳафта мобайнида парламент давлат бюджети лойиҳасини тасдиқлаб, давлат раҳбарига тақдим этмаса, Польша Конституциясига биноан депутатларнинг вако

# Инсон ва қонун

Ислохотлар оқимида

## ТАДБИРКОРЛАРГА ЯНГИЛИКЛАР ЯРАТИБ

**МАМЛАКАТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ИСТИҚЛОЛНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРИДАН БОШЛАБ КЕНГ КЎЛАМДА АМАЛГА ОШИРИЛДИ.**

Зеро, ҳуқуқлари қонуний жиҳатдан ҳимоя қилинган тадбиркоргина эркин фаолият юритади, изланишга, яратувчанликка қўл уради. Кейинги йилларда бу борада Президентимизнинг бир қатор Фармон ва Қарорлари, хусусан, 2005 йил 21 сентябрда эълон қилинган «Тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида»ги Қарори тадбиркорларимиз кўнглидаги ниятларини амалга ошириш учун кенг йўл очди. Маълумки, аввало тадбиркор рухсатномага эга бўлса, ҳуқуқий ҳужжати ҳаракатда бўлади. Рухсатноманинг турлари ва сони кам, ихчам бўлса, у тадбиркорга ҳам қулайлик яратади. Қарорга мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган фаолият турлари билан шуғулланиш учун лицензиялар бундан буён камиди 5 йил муддатга берилди. Қарорда белгиланган 13 турдаги фаолиятни амалга ошириш учун эса лицензиялар чекланмаган муддатга берилди. Тадбиркорлик фаолиятини юритишда бир-бирини такрорлайдиган ва ортқча рухсатномалар бериш тартиб-қоидаларини бекор қилиш мақсадида 11 та фаолият турига лицензия бериш вазифаси тегишли давлат бошқарув органлари зиммасига юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эса мазмун-моҳиятига кўра, тадбиркорлик субъектлари фаоли-

ятини такомиллаштириш учун хизмат қиладиган ҳужжатлардан бири бўлди. Фармонга мувофиқ, бундан буён микрофирмалар, кичик корхона ва фермер хўжалиқларининг молия-хўжалик фаолияти ҳар тўрт йилда бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектлари эса уч йилда кўпи билан бир марта режа асосида текширишдан ўтказилади. Янги ташкил этилган микрофирмалар, кичик корхона ва фермер хўжалиқларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатида олинган пайтдан бошлаб икки йил мобайнида режа асосида текширишдан ўтказилмайди.

Текшириш натижалари бўйича назорат органларининг тақдимномаларини бажарган, шунингдек зарарни белгиланган муддатда ва тўлиқ ҳажмда ихтиёрий равишда қоллаган, шу жумладан пеняни тўлаган тақдирда, уларга нисбатан молиявий жазо чоралари қўлланилмайди. Назорат органларининг мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектлари рухсатисиз текшириш ўтказсалар ва уларнинг хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашсалар жавобгарликка тортилади.

Эндиликда тадбиркорликнинг қирралари ҳам кенгайиб борапти. Яратувчанликка бел болаган, юртимиз раванки учун хизмат қиладиган тадбиркорларимиз интилишлари том маънода ватанпарварликдир. Шу боисдан уларни қанчалик қўллаб-қувватласак ҳар жиҳатдан иқтисодий самарадорлик ортади.

**Худойберди НОРҚОБИЛОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Бош прокуратураси бошқарма**  
**прокурори**



Эл-юрт тинчлиги масъулари—ички ишлар ходимларининг аҳоли билан ҳамкорликдаги хайрли ишлари ўз самарасини бермокда. Маҳаллалар обод, кўни-кўшнилари тотувликда ҳаёт кечирмокда.

**СУРАТДА:** Ҳамза туманидаги 269-милиция таянч пункти профилактика инспектори, катта лейтенант Аваз Иброҳимов жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича тушунтириш ишларини олиб бормокда.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат

Анжуманлар

## ҲАР БИР ЁШ ЭЪТИБОРДА

**БУГУНГИ КУНДА ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ, УЛАРНИ ТУРЛИ НОҚОНУНИЙ ЙЎЛЛАР, УМР ЗАВОЛИ БЎЛГАН ГИВАНДЛИК, ОИТС КАБИ ОФАТЛАРДАН САҚЛАШ, БЎШ ВАҚТЛАРИНИ МАЗМУНЛИ ЎТКАЗИШЛАРИГА КЎМАКЛАШИШ УСУВОВ ВАЗИФАЛАР ҚАТОРИДАН ЎРИН ОЛГАН.**

Хусусан, вояга етмаган ўсмирларни тўғри йўлга солиш, уларга ҳам амалий, ҳам маънавий томондан ёрдам кўрсатиш мақсадида қатор тадбирлар ўтказиб келаётган «Қамолот» ЁИХ янги-янги лойиҳалар билан бу ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмокда. Кўни кеча «Қамолот» ЁИХ Чилонзор туман Кенгаши, туман хотин-қизлар кўмитаси ва «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорлигида ўтказилган давра

суҳбатидан ҳам айнан юқоридаги хайрли мақсадлар кўзланди. 202-ўрта умумтаълим мактаби ўқувчилари, туман ИИБ ходимлари ва тумандаги тарбияси оғир бўлган ёшларнинг ота-оналари, маҳалла оқоқоли ва фаоллар, психолог-шифокорлар иштирок этган ушбу тадбирда ёшлар томонидан содир этилаётган жиноятлар ва турли хатти-ҳаракатларнинг сабаблари таҳлил қилиниб, психолог-шифокорлар тегишли масла-

хатлар бердилар. ОИТС асоратлари ва унинг келиб чиқиши ҳақида етарлича маълумотлар тушунтирилди.

— Бундай давра суҳбатларини ижобий таъсир кўрсатишини кўзда тутиган ҳолда ташкил этмокдамиз, — дейди бу тўғрида «Маҳалла умидлари» маркази раиси Муъссар Юсупова. — Мақсадимиз ҳар бир ёшга алоҳида эътибор қаратиш, уларнинг ички дунёсини тушунишга ҳаракат қилиш, шунингдек диний экстремизмдек ёвуз иллатлардан сақлашдир.

Давра суҳбати иштирокчилари тадбир давомида ўзларини қизиқтирган барча саволларига тўлиқ жавоб олдилар.

Умида  
МАҲҚАМОВА

**МАМЛАКАТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАР БИЛАН БИР ҚАТОРДА СУД ТИЗИМИДА ҲАМ ДЕМОКРАТИЯ ТАЛАБЛАРИГА МОС РАВИШДА ЎЗГАРИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛИБ МУСТАҚИЛ СУДЛАР ТАШКИЛ ТОПДИ. ҲАР ЖИҲАТДАН ИНСОН ШАЪНИ, ҚАДР-ҚИММАТИ, ҲАҚ-ҲУҚУҚИ ЮҚОРИ ЎРИНГА ҚЎЙИЛДИ.**

Туманларда

## МАЪРИФИЙ САВОДХОНЛИК ЙЎЛИДА

Жойларда ҳуқуқ-тартибот ходимлари фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ўстириш, Асосий Қонунида белгиланган кўйилган ҳуқуқ ва эркинликлардан тўғри фойдаланишлари йўлида тушунтириш ишларини олиб бормокдалар. Хусусан Чилонзор туманидаги ҳуқуқий маслаҳатхона фаолиятида ҳам бундай ишлар кўришимиз мумкин. Ҳуқуқий маслаҳатхона раҳбари Шўҳрат Файзиев билан суҳбатлашганимизда бунга гувоҳ бўлдик.

— Туманида истикомат қилаётган фуқароларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқлари, бурч ва мажбуриятларини тўғри тушунишлари, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари моҳияти билан ақиндан танишишлари, судлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг ҳақиқий ҳимоясини эканлигини давра суҳбатлари, учрашувлар уюштириш орқали тушунтирамиз, — дейди суҳбатдошимиз. — Бу борада адвокатлардан Г.Мирзаева, Х.Маҳкамов, Д.Абдуллаева, Ж.Ғайбуллаева, А.Маҳкамовларнинг номларини алоҳида айтиб ўтиш керак. Айниқса «Қатортол», «Думбиробода» маҳаллаларида яшовчи аҳоли билан кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб борилади. Хусусан, ҳуқуқнослар суд тизимидаги ўзгаришларга алоҳида тўхталиб хўжалик суди, фуқаролик ишлари суди, жиноий ишлар бўйича судлар ҳақида чуқур тушуночалар берадилар. Шу билан бирга юртимиз тинчлиги, оила, фарзанд тарбиясидаги масъуллик ҳақида ҳам керакли маслаҳатларни берадилар.

Ҳа, қаерда ахиллик, баҳамжиҳатлик бўлса, ҳар бир инсон ўз вазифасини виждонан бажарса, ўша ерда унум бўлади.

**Забихилла МУҲАММАДЖОНОВ,**  
ҳуқуқшунос

Йўл қондаси — умр фойдаси

## ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ

**ЙЎЛ ҚОНДАСИ — УМР ФОЙДАСИ. УШБУ НАКЛАГ АМАЛ ҚИЛГАНЛАР СОДИР ЭТИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ТУРЛИ НОҲУШ ҲОДИСАЛАР, БАХТСИЗ ТАСОДИФЛАР, АВТОТЎҚНАШУВЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИБ, УМРЛАРИГА УМР ҚЎШИБ ЯШАЙДИЛАР.**

Яқинда Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасида ўтган йил яқунлари ва Хомийлар ва шифокорлар йили режалари бўйича йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирда сўз олган ЙХХБ бошлиғи, подполковник С.Ирисбеков ўтган Сихат-саломатлик йилида амалга оширилган ишлар бўйича ҳисобот бериб, шу ўринда йўл қўйилган хато ва камчиликларга тўхталиб, уларни бартараф этиш чоралари ҳақида ҳам фикр билдирди. Шунингдек ўтган 2005 йил мобайнида Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси томонидан жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, транспорт воситаларини рўйхатга олиш каби бир қатор ташкилий ва амалий ишлар амалга оширилиб, шу билан бирга пойтахтни ободонлаштириш ишларида ҳам фаол иштирок этилганига алоҳида тўхталиб ўтди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, бошқарма томонидан йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мавзусида мактабларда 3666 мартаба,

автокорхоналарда 4375 та, маҳаллаларда эса 166 мартаба учрашувлар ўтказилган. Йўл-транспорт ҳодисасини содир этиб воқеа жойидан яширинган 698 нафар ҳайдовчидан 613 таси фош этилди, олиб қочилган 99 та транспорт воситасидан 88 таси кидириб топилди, ўғирланган 36 та транспорт воситасидан 26 таси топилди. Ўтган Сихат-саломатлик йилида шаҳримизда «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги», «Дикқат, темир йўл!», «Тоза ҳаво», «Таътил», «Ғамхўрлик — 2005», «Автомобиль», «Автотурарго», «Яшил чирок — 2005», «Дикқат, болалар» каби қатор тадбирлар ўтказилди.

Шунингдек, бошқарма ходимлари ўтган йилда 2822 та жиноятларни очибди қатнашган, наркотик моддалар билан боғлиқ 544 та жиноят ишини фош этишда иштирок этиб 31 килограмм 918 грамм наркотик модда тортиб олинган. Вазирлар Маҳкамасининг 154-қарори бўйича товар-моддий бойликларнинг ноқонуний олиб чиқишини ва олиб килишини бўйича ҳам ишлар олиб борилиб, жами 52 миллион 893 минг 780 сўмлик товар-моддий бойликларни ноқонуний равишда республикамизга олиб келиш бўйича 34 та ҳолат аниқланиб, тегишли чора кўриш учун туман ИИБлари ва солиқ идораларига топширилган.

Йўлларда ҳаракатланишни назорат қилиш вақтида ўтган давр мобайнида жами 471 688 та қондабузарликлар аниқланиб, 2693 та йўл-транспорт ҳодисаси рўйхатга олинган.

Тадбирда ЙХХБ бўлими бошлиқлари ва бошқа сўзга чиққанлар ўз фикрларини билдириб ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам борлигини эътироф этиб ўтдилар. Шу билан бирга Хомийлар ва шифокорлар йилида қилинадиган ишларни белгилаб, илғор чет эл тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда йўл ҳаракатини ташкил қилишда, чорраҳалардаги тирбандликларни бартараф этишда ҳамда йўл ҳаракати қоидаларини қўпол равишда бузиб, қизил чирокда ва оддий тўхтаб туриш ҳолатига риоя қилмасдан ўтаётган ҳайдовчиларни аниқлашда замонавий видеокамералар билан жиҳозланган ягона компьютер тизимига эга бўлган марказий диспетчерлик хизматини ташкил этиш раҳбарият томонидан ҳал этилаётганлиги ва шароитни яхшилаш ҳақидаги яна бир қатор ишлар амалга оширилаётганлига эътиборни қаратиб, керакли тавсияларни бердилар.

— Ушбу тадбирдан керакли маълумотлар билан бирга зарур тавсияларни ҳам олдик, — дейди ЙХХБ тарғибот ва ташвиқот бўлими бошлиғи, подполковник Қўзибой Янғабоев. — Ўйлайманки, ҳар биримиз тегишли ҳулоса чиқариб, ўз ишимизга масъулият билан ёндашамиз. Содир этилиши мумкин бўлган турли ноҳуш воқеа-ҳодисалар, автотўқнашувларнинг олдини олиб, юрт тинчлиги, хонадонлардаги хотиржамликка ҳисса қўшамиз.

Шоира МУҲАМЕДОВА

**КОБУЛДА БУЮК ЎЗБЕК ШОИРИ АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 565 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАНТАНАЛИ ЙИГИЛИШ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Унда қарийб 600 киши, хусусан, мамлакат парламентининг юқори ва қуйи палатаси раислари Себғатулла Моджадеди ва Юнус Кануни, парламент депутатлари, ҳукумат аъзолари, шимолий вилоятлар оқоқоқлари, Афғонистоннинг бир гуруҳ олим ва жамоатчилиги вакиллари

## КОБУЛДА НАВОИЙГА ЭҲТИРОМ

ҳамда Кобулда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Тадбирни Афғонистон Ислом Республикаси парламент ишлари бўйича давлат вазири, Вазирлар Маҳкамаси котибияти мудир Фарук Вардак очиб, йиғилганларга мамлакат президенти Ҳамид Карзай табрикномасини ўқиб эшиттирди.

Маданият ва ахборот вазири Саид Раҳин Навоий ижоди ва буюк сиймосининг бугунги ва

келажак авлодлар учун аҳамияти, Афғонистонда ЮНЕСКО билан ҳамкорликда тарихий обидаларни асраш ва тиклаш борасидаги амалга оширилаётган ишлар тўғрисида йиғилганларга сўзлаб берди. Навоийнинг Хиротдаги макбарасини Ўзбекистон Республикаси ҳисобига қуриш ва унинг худудини ободонлаштириш бўйича мамлакатимиз ташаббуси алоҳида кайд этилди.

Анжуманда сўзга чиққанлар

Навоий ижодининг аҳамияти, унинг Афғонистон ва бутун минтақа тарихида йирик сийбат арбаби сифатидаги беқиёс хизматлари муҳимлигини таъкидладилар. Тантанали йиғилиш сўнгида ташкилий кўмади раиси Абдурашид Дўстум сўзга чиқиб, Алишер Навоий таваллудининг 565 йиллигида фаол иштирок этганларга миннатдорлик билдирди.

Тадбир давомида йиғилганлар эътиборига Афғонистоннинг тарихий ёдгорликлари, шунингдек,

Темурийлар даври ҳақидаги ҳужжатли фильм ҳавола этилди.

Мазкур йиғилишда Алишер Навоий туғилган кунини ҳар йили Хирот ва Кобул шаҳарларида тантанали равишда ўтказиш ва буюк шоир ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ тарихий ёдгорликлар мажмуинини сақлаш ҳамда мамлакатнинг шимолий вилоятларидаги мактаб ва мадрасаларга Навоий номини бериш бўйича чора тадбирлар кўриш юзасидан маданият ва ахборот вазирлигига таклиф билан мурожаат қилишга келишиб олинди.

«Жаҳон» АА

Таълим

## КОРЕЯ САҒАРИ УЧУН ЙЎЛЛАРМА

**МАНА УЧ ЙИЛДИРКИ ЖАНУБИЙ КОРЕЯДАГИ «LG ELEKTRONIKS» КОМПАНИЯСИ ЎЗБЕКISTОН ИЧКИ БОЗОРИДА ЎЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИ СОТИШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИБ КЕЛМОҚДА. АЙНИ ВАҚТДА КОМПАНИЯ ҲАР ТОМОНЛАМА БАРКАМОЛ ШАХСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ИШИГА ЎЗИНИНГ МУНОСИБ ҲИССАСИНИ ҚЎШАЁТИР.**

«ЛЖГрант» лойиҳаси бўйича ташкил этилган танловнинг ўтказилиши айнани муддао бўлди. Тошкентдаги олий ўқув юртлири бакалаврлари учун жиддий билимлар синови бўлган бу беллашувда Тошкент Давлат иқтисодий университети талабаси Икром Ёқубов энг катта ютуқ — Гран-прини қўлга киритди. Бу голиб иқтидорли толиби илм танлов шартига кўра Корей Республикасига саёҳат қилиш учун йўллама билан тақдирланди.

Сафар чоғида у Корей корхоналари фаолияти билан ҳам яқиндан танишади.

## ҚУТЛУФ САНАГА ТАРАДДУС

**ҚАДИМИЙ ВА НАВҚИРОН ҚАРШИ ШАҲРИ ЎЗИНИНГ 2700 ЙИЛЛИГИГА ҚИЗГИН ТАЙЁРГАРЛИК КЎРМОҚДА. ШУ ҚУТЛУФ САНА МУНОСАБАТИ БИЛАН БУ КЎҲНА ШАҲАРНИНГ КОМПЬУТЕР МОДЕЛИНИ ЯРАТИШ ТАДБИРЛАРИ КЎРИЛДИ.**

Шуниси эътиборга сазоворки, бундай техник ижодий изланишни амалга оширишда олий ўқув юртлирининг иқтидорли талабалари ҳам фаолилик кўрсатадилар. Бу ҳақда «Ёшлик» талабалар шаҳарчасининг «Маънавият ва маърифат» марказида уюштирилган анжуманда маълум қилинди.

Пойтахтимиз олий ўқув юртлири изланувчан ёшлари «Қадимги Қарши тарихида табиат ва инсон муносабатлари» деган мавзуда ўтказиладиган республика кўрик-танловига ўз илмий тадқиқотлари билан иштирок этадилар. Мазкур кўрик «Энг яхши илмий тадқиқот иши», «Талабаниннг энг яхши тадқиқоти», «Энг яхши публицистик асар» йўналишлари бўйича уюштирилди.

## МУҲИМ ПЕДАГОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

**ЎЗБЕКISTОН ФАН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МАРКАЗИДА ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ҚАТОР ЛОЙИҲАЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. МАРКАЗ ТОМОНИДАН ТАСДИҚЛАНГАН ЛОЙИҲАЛАР АСОСИДА ЎЗБЕКISTОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИДА ҲАМ ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.**

Бундай изланишлар натижалари ўз ижобий самарасини бераётди. Уларнинг айримлари алоҳида тўплам қилиб чоп этилди. «Педагогик технология асослари», «Таълимда табақалаштириш (хорижий тажрибалар)» деб номланган методик қўлланмалар ҳам ижобий баҳоланди.

«Педагогик технология: назария ва амалиёт», «Умумий ўрта таълим мазмунини прогностика қилишнинг назарий-амалий асослари» деган монографиялар ҳам босилди.

«Замонавий шароитларда баркамол шахсни шакллантиришнинг асосий йўналишлари» номли тўплам уч қисмда юзага келди.

Акбар АЛИЕВ

Санъат

## ТЕАТР-СТУДИЯ ГАСТРОЛЛАРИ

**ЎЗБЕКISTОНДАГИ НЕМИС МАДАНИЯТ МАРКАЗИ ТОМОНИДАН УЮШТИРИЛАЁТГАН ТОМОШАЛАР ИЖРОЧИЛИК МАҲОРАТИ БИЛАН КЎПЧИЛИК ЭЪТИБОРИНИ ЎЗИГА ТОРТМОҚДА. МАРКАЗ ҲУЗУРИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН «ЮГЕНДШТЕРН» ТЕАТР-СТУДИЯСИ РЕПЕРТУАРИ ЭСА ҚАТОР ЯНГИ ПОСТАНОВКАЛАР БИЛАН БОЙИБ БОРМОҚДА.**

Бу ижодий гуруҳ янги тайёрлаган постановка ҳам яхши кутиб олинди. Қадимги арман эпоси «Нибелунга» ҳақидаги дoston асосида сахна юзини кўрган бу спектакль театр-студиянинг навбатдаги ижодий ютуғи бўлди.

«Готманиана» деб номланган эртак-спектакль билан театр-студия республикамизнинг бир нечта вилоятларида ижодий сафарда бўлди.

Анвар ОЛИМОВ

## РЕЖИССЁРНИНГ ИЖОДИЙ ЙЎЛИ

**ТЕАТР САЪНАТИНИ ПОСТАНОВКАЧИ РЕЖИССЁРСИЗ ТАСАВВУР ҚИЛИШ ҚИЙИН. САҲНА УСТАЛАРИ ИЖРОЧИЛИК МАҲОРАТИНИ НАМОЁН ЭТИШДА ҲАМ РЕЖИССЁРЛАРИНИНГ ХИЗМАТИ КАТТА БЎЛМОҚДА.**

Ўзбекистон халқ артисти Баҳодир Йўлдошев ҳам шу соҳада бахт топганлардан. Унинг Ўзбек Давлат Миллий академик театрддаги кўп йиллик фаолияти ҳам ютуқларга бой бўлди. Санъаткор бадиий раҳбарлигида сахна юзини кўрган қатор спектакллар театр репертуаридан ўрин олди. Иходкорнинг Абдор Хидоятгов номидаги театр актёрлари билан биргаликдаги саъй-ҳаракатлари ҳам томошабинларни мангун қилмокда.

Ўзига хос ижодий йўлдан бориб, ўзбек театр режиссёрлиги ривожига катта ҳисса қўшган бу атоқли санъаткор ҳақида янги ҳужжатли фильм суратга олинмокда. Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси жамоаси томонидан яратилаётган мазкур тасма «Санъатимиз фидойилари» туркумида юзага келади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ОЗ-ОЗ ҲИТТИҚ ДОМО БУЛАД...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

Аёллар ҳам эрлар каби истеъдодга эга кишилар бўлиб, ҳурмат ва эҳтиромга лойиқ бўлишларидан ташқари, оиланинг асосий тарбиячиларидир. Шундай экан, улар ҳам зарур илм билан қуролланишлари керак.

Фахрулбанот СУЛАЙМОНИЙ
Билим билан саодат йўли очилади, шунга кўра,
Илми бўл, бахт йўлини изла.

Аҳмад ЮГНАКИЙ

Ўзи ҳақида ўйламай, фақат элга билим бериш ҳақида ўйлаган олим киши худди шамга ўхшайди, у ўзини ёндиради ва халқни зиёли қилади.

Ҳақиқий олим шундай кишики, унинг сўзи, ўйи, фикри ва иши бир хил бўлади.

Олимнинг ёмонлиги кеманинг синишига ўхшайди. Чунки кема синса ҳам ўзи чўқади, ҳам ўзгаларни чўқтиради.

Олим қачонки ўзининг барча ҳис-эҳтиросларининг устидан ҳоким бўлса, шундагина уни олим дейиш мумкин.

Олимлар билан ўтирсанг фойда оласан, чунки гул ёнида ўтирган одамга гул ҳиди уриб қолади.

Олим кўр бўлса ҳам дунёни кўради.
Жоҳил соғ бўлса ҳам узоқни кўрмайди.

Одамнинг энг ёмони нодон бўлиб, фойда келтирмаганидир.

“ОТАЛАР СЎЗИ”

Илми ёзиб қўйиш билан боғлаб олинглар.

ҲАДИС

Билим кидиришга урдим бошимни,
Бекорга ўтказмадим умримни бир дам.
Қайдаки эшитсам илму донишни,
Эшиги тагида ўлтирдим маҳкам.

Носир ХИСРАВ

Билимсиз кишиларнинг кўнгли хурофотга мойил бўлади.
Абу Райхон БЕРУНИЙ

Ибн Аббосдан:
— Сен қандай қилиб шунча илмга эришдинг? — деб сўрадилар.

У шундай деб жавоб берди:
— Савол берувчи тил, билувчи қалб ва чидамли ўқитувчи билан.

“ФАВОКИХ АЛ-ЖУЛАСО”

Одамидур илму дониш бирла одам, йўқ эса,
Жумлаи хайвонгадур аксон қаду рухсору лаб.

ОҒАХИЙ

Кўш ов кўрса юксаклардан паства тушар,
Олим киши ўғит берса, дарҳол уқар.

Маҳмуд ҚОШҒАРИЙ

Кишиким илм бўлса тавонгар,
Не ғам гар йўқтур анго зару гуҳар.

ОРАЗИЙ

Шабъий айтади:
— Илм бобида ниманики ашитсанг, ёзиб қўй, қоғоз бўлмаса деворга бўлса ҳам ёз. Чунки ёдланган нарса унутилади, ёзилган нарса эса абадий қолади.

“ФАВОКИХ АЛ-ЖУЛАСО”

Илм ва диннинг машҳур кишилари ўз маслаҳатлари билан подшоҳларга ёрдам бериб келганлар.

“АМИР ТЕМУР ҲИТТИҚЛАРИ”

Агар бўлмаса йўл бошлагувчи пир,
Солур бўйинунга шайтон доми тазвир.
Ажаб йўлдуз тамоми меҳнату ранж,
Ва лекин ҳар қаричда бир ниҳон ганж.

Сўфи ОЛЛОЁР

Кимки устодига ихлос ила иззат қилса,
Ҳақ анинг манзилни жаннати ризвон айлади.

РОКИМ

Хурмус ҳаким сўзларидан:
Одам учун сазовор нарса шуки, у ҳижмат ўргансин, донолик илмини билсин ва уни юрагига нақш қилсин. Ҳижмат ва фазилятта етишга қарилки тўққинлик қилмайди. Ҳижматни кимки дилга жойлаган бўлса, на ботир, на қарамон, на подшо, ҳеч ким уни тортиб ололмади. Киши ўз ниятини сўз билан мувофиқ қилсин, токи тили бошқа-ю, дили бошқа бўлмасин.

“ЖОВИДОН ХИРАД”

Ишлари дарсу сабоқ, илму адаб тақрордур,
Офарин, минг офарин, бу илм бир асрордур.

НОДИМ

Айтишларича, Форобий жуда камбағал экан, қоғоз сотиб олишга ҳам баъзан имконияти бўлмас экан. Урмонга чиққан кезларида хаёлига келган нарсаларни дарахт яроқларига ёзиб қўяр, қоғоз топганида кўчириб олар экан.

“ФАВОКИХ АЛ-ЖУЛАСО”

Ул мактаб ароким ўқудур ноз рамузин,
Гўёки вафо илмини унутмиш эди устод.

УВАЙСИЙ

Кўшни билан яхши алоқада бўлинглар.

ҲАДИС

Илм ва одаб таги йўқ ҳазина. Кимки унга эга бўлса, қадр қиймати банд бўлади.

Фазилятта фақат илми шарафи бор одам лойиқ. Билмаган айб эмас, билмагани бўйинга олмаслик айб. Одамлар сендан ўрганмаса, сен одамлардан ўрган. Илм шундай нарсаки, бутун куч сарф этилмаса, қўлга кирмайди.

“ОТАЛАР СЎЗИ”

Билим — қайтариш ва тақрорлаш мевасидир.
Абу Райхон БЕРУНИЙ

Эр кишига зебу зийнат ҳижмат ва донишдур.

НАВОИЙ

Тўрт нарса ўлик дилни тирилтиради: устод, яхши дўст, мувофиқ ёр ва давлату иқбол сабабчиси бўладиган доно ақл.

Муиниддин ЖУВАЙНИЙ

Бу дин илмики хомам қилди тахир,
Эзур фикху ҳадису сўнгра тафсир.
Чу тақвим ўлди бу уч илм, сен, бил,
Яна ҳар илм майлин қилма, ё қил.

НАВОИЙ


Илмдан истасанг, нишон йўқтур,
Бор бошида қазонча салласи.

БАЁНИЙ

Кимки ёшлигида илм ўрганмаса, қариганда ҳурмат тополмайди.

Муҳаммад ЗЕХНИЙ

Маҳмуд ҲАСАНИЙ, Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган.



Ҳамкорлик

ҚАДРИЯТЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАБ

ҚАДИМДАН МАМЛАКАТЛАРАРО ЎРНАТИЛГАН ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР НАТИЖАСИДА БИР ЮРТНИНГ УРФ-ОДАТИ, КИШИЛАР ЎРТАСИДАГИ ТУРЛИ МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР ИККИНЧИ БИР ЮРТГА КЎЧИБ, ЙИЛЛАР ЎТИШИ МОВАБИДА ЎША ЖОЙ ОДАМЛАРИНИНГ ҲАМ УДУМИГА АЙЛНАБ ҚОЛГАНЛИГИГА БУН УЎҚУЛАБ МИСОЛЛАР КЕЛТИРИШИМИЗ МУМКИН.

Куни кеча пойтахтимизда “Nestle” Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси томонидан ўтказилган тадбирда ҳам шу мавзуга алоҳида урғу берилди.

Унинг иштирокчилари турли давлатларда шу кунларда нишонланаётган муҳим саналар, аънавий байрамлар, урф-одатлар тўғрисида кўп ва қизиқарли маълумотлар олишга муваффақ бўлишди.

— Муствақиллигимиз йилларида турли мамлакатлар билан ҳамкорлик ришталари ривож топиб, муствақамлашиб бораётгани ёшларимиз ҳаётида ҳам ўз ифодасини топмоқда, — дей-

ди компаниянинг жамоатчилиги билан алоқалар бўлими мутахассиси Шоҳруҳ Нигманов. — Бугунги кунда улар учун хорижий давлатларнинг нуфузли олий ўқув юрталарида тахсил олиш имконияти яратилган. Ўзaro келишувлар асосида хорижий ёшлар ҳам Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон Давлат консерваторияси ва бошқа ўқув юрталаримизда турли мутахассисликлар бўйича билим олмақда. Усиб келаётган авлодни ўз қадриятларимиз асосида тарбиялаш билан бир қаторда бошқа миллат-элатлар, халқлар аънавалари билан ҳам таништириб бориш орқали уларда умуминсоний қадриятларга бўлган ҳурмати шакллантира оламиз. Яхшиликка йўғрилган ҳар бир нарса эса фақат ижобий самара беради. Уйлаймизки, бугун “NESCAFE® 3 in 1” савдо белгиси остида олиб борилаётган тадбиримиз ҳам ёшларимизда меҳр-оқибат, бағрикенглик туйғулари шакллантиришда оз бўлса-да ёрдам беради.

Дарҳақиқат, икки юз нафардан ортиқроқ ўғил-қизларни бир жойга тўплаган бу тадбир кўтаринки руҳда ўтди. “Се танҳо” гуруҳи қизлари эса ўзларининг сеvimли қўшиқлари билан бу ажойиб даврага ўзгача шукҳ киритиб,



Қўпчиликни янада хушнуд қилдилар. Шахло ҲОШИМОВА СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар

ТАСАВВУР ҚИЛИНГ: «ОЙНАИ ЖАҲОН» ОРҚАЛИ ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ БАҲСИ ЁХУД БОШҚА МУҲИМ УЧРАШУВНИ ТОМОША ҚИЛАПСИЗ. АЛБАТТА, ТЕЛЕВИДИЕНДАГИ ШАРҲЛОВЧИНИНГ БИЛИМИ ВА МАҲОРАТИ ОРҚАЛИ ГЎЁ ЎЗИНГИЗИ СТАДИОНДА ЎТИРГАНДАЙ ҲИС ҚИЛИШИНГИЗ, ҲАР ИККАЛА ЖАМОА ТЎҒРИСИДА КЎПЛАБ ЯНГИ ДАЛИЛЛАРНИ БИЛИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Бинобарин, ёшларда спортга иштиёқ уйғониши, ватанпарварлик туйғулари шаклланиши, уларнинг соғлом турмуш тарзига ошно бўлишларида спорт шарҳловчиларининг ҳиссалари катта. Гарчи улар доимо экран ортида бўлсалар-да, биз муҳлислар шарҳловчиларнинг шижоати ила спортнинг серкли оламига кириб борамиз. Ким шарҳловчиликни санъат даражасига кўтарган халқ артистлари унвонига эга Николай Озеров ва Котэ Махарадзе-ларнинг бетақор шарҳловчилар билан олам завқ олганга дейсиз. Ёки қайси футбол ишқибозларининг ёдидан эрта сўнгган футбол юлдузларимиз Михаил Ан ва Владимир Фёдоровлар қойилмақом ўйин кўрсатган 1976 йилги ёшлар ўртасидаги Европа чемпионатининг финал баҳси чиқади дейсиз. Шаҳ-шубҳасиз, ушбу ўйинни катта маҳорат билан холисона шарҳлаган Георгий Саркисьяннинг мардонавор овози ҳамон қўлоғимиз остида жаранглаётгандек.

Кейинги йилларда мамлакатимиздан Мирзахаким Тўхтамирзаев, Хайрулла Ҳамидов, Мурод Ризаев, Комилжон Жумаев каби кўплаб футбол шарҳловчилари етишиб чиққан бўлса-да, бироқ шубҳасиз футбол фидойиси, бутун умрини соғлом турмуш тарзи тарғиботида бағишлаган Ахбор Имомхўжаевни барча ўзбек шарҳловчиларининг устози десак, янгилимаймиз. Ахбор аканинг ҳаёт йўлига назар ташлаган киши бунинг гувоҳи бўлади.

Шу тарихи Ахбор ака спортда «қайнаб-тоша» бошлади. Тошкент вилоят педагогика билим юртини тамомлаган, мактабларда жисмоний тарбиядан дарс берди.

1959 йили Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтига футбол мутахассислиги бўлимига қабул қилиниб, Ҳамид Раҳматуллаев, Мақсуд Шарипов, Владимир Копанев каби футболчилар билан ўқини бошлади.

Талабалик чоғида Ўзбекистон радиосида спорт шарҳловчилари учун ташкил этилган республика танловида қатнашиб, Роман Турпишев билан бирга голиб чиққан. Шу тарихи 1958 йилдан бошлаб аввал радиода, кейин телевидиенда футбол репортажларини олиб борган. Худди шу йилдан бошлаб футбол ўйинларига ҳам ҳакамлик қилиб келган. 1963 йилда республика тоғрисидаги ҳакам унвонига сазовор бўлган.

Спорт шарҳловчилиги билан бирга Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтига футболдан катта ўқитувчи, «Пактакор»-да жамоа бошлиғи, Республика футбол федерациясида самарали фаолият кўрсатиб, кўплаб ҳакам ва шарҳловчиларга касб сирларини эришмай ўргатиб устозлик қилган. Энг муҳими, ўзининг бетақор, жонли, ширали теле ва радиоре-портажлари орқали Ахбор ака қанчадан қанча ёшларнинг спортга кириб келишига, айниқса сеvimли «Пактакор» жамоасининг ашаддий муҳлисари сафидан ўрин олишига ҳисса қўшмади, дейсиз.

Ишқибозлар ўртасида қўлма-қўл бўлиб кет-

Спортимиз заҳматкашлари

ҲОРМАНГ, АХБОР АКА!

Албатта, ҳар бир инсоннинг ҳаёт йўлини танлашида одатда бирор нарса туртки бўлади. А.Имомхўжаевга ҳам ўзи ўқиган 45-мактабда жисмоний тарбияга катта эътибор қаратилиши, айниқса футбол бўйича ҳар йили баҳор ва куз фаслларида ўтказиладиган мактаб чемпионатлари спортга нисбатан муҳаббат ўйғонишида ўзига хос омил вазифасини ўтаган бўлса ажаб эмас.

Шу тарихи Ахбор ака спортда «қайнаб-тоша» бошлади. Тошкент вилоят педагогика билим юртини тамомлаган, мактабларда жисмоний тарбиядан дарс берди.

1959 йили Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтига футбол мутахассислиги бўлимига қабул қилиниб, Ҳамид Раҳматуллаев, Мақсуд Шарипов, Владимир Копанев каби футболчилар билан ўқини бошлади.

Талабалик чоғида Ўзбекистон радиосида спорт шарҳловчилари учун ташкил этилган республика танловида қатнашиб, Роман Турпишев билан бирга голиб чиққан. Шу тарихи 1958 йилдан бошлаб аввал радиода, кейин телевидиенда футбол репортажларини олиб борган. Худди шу йилдан бошлаб футбол ўйинларига ҳам ҳакамлик қилиб келган. 1963 йилда республика тоғрисидаги ҳакам унвонига сазовор бўлган.

Спорт шарҳловчилиги билан бирга Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтига футболдан катта ўқитувчи, «Пактакор»-да жамоа бошлиғи, Республика футбол федерациясида самарали фаолият кўрсатиб, кўплаб ҳакам ва шарҳловчиларга касб сирларини эришмай ўргатиб устозлик қилган. Энг муҳими, ўзининг бетақор, жонли, ширали теле ва радиоре-портажлари орқали Ахбор ака қанчадан қанча ёшларнинг спортга кириб келишига, айниқса сеvimли «Пактакор» жамоасининг ашаддий муҳлисари сафидан ўрин олишига ҳисса қўшмади, дейсиз.

Ишқибозлар ўртасида қўлма-қўл бўлиб кет-



ган «Футбол қувончим, дардим, фаҳрим», «Мафтунингман, футбол» китобларининг муаллифи. Тега орада Ахбор аканинг учинчи китоби — «Ўзбекистоннинг Миржалали» ҳам нашрдан чиқади.

Қизғи шундаки, Ахбор аканинг ҳар иккала ўғли ҳам отасининг изидан кетиб, теле ва радиожурналистика соҳасини танлади. Аброр «Наврўз» радиосида бош муҳаррир бўлса, Зафар Ўзбекистон «ойнаи жаҳон»нинг спорт қаналида фаолият кўрсатмоқда.

Рафиқалари Фаридахон ая билан 48 йилдан буюн тотув ҳаёт кечириб келаётган, 15 та неваранинг буваси Ахбор ака кўтул 70 ёшга қадам қўйган бўлса-да, ҳозирда йигитларга хос ғайрат билан «Наврўз» радиосида спорт шарҳловчиси сифатида мамлакатимиз спорт ютуқлари, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда ҳормай-толмай меҳнат қилиб келяпти.

— Тетик-бардам юришим, фаол-спорт фор-

маси»-да бўлиб, меҳнат қобилиятини йўқотмаганлигининг ҳеч қандай сири йўқ, — дейди бу ҳақда Ахбор аканинг ўзи. — 26 йилдан буюн турли касб, соҳа вакилларидан ташкил топган «Тонг» футбол жамоасида ҳафтасига уч марта машғулотларда қатнашиб келаман. Жамоамиз билан вилоятларга ўртоқлик учрашувларини ўтказишга чиқиб тураман, ҳар ойда бир марта «Пактакор» фахрийлари билан учрашамиз. Албатта, Р.Юнусов, Н.Жалолов, Б.Абдураимов, Б.Иброҳимов, С.Арутюнов, С.Эшмухамедов, Р.Турғунов, В.Суюнов каби дўстлар билан дийдорлашиб туриш, доимий машғулотларда қатнашиб саломатликнинг муҳим омилдир.

Биз ҳам футболимиз фидойисига соғлом турмуш тарзи тарғиботида асло толманг, Ахбор ака, деган ният билдириб қоламиз.

Дилшод ИСРОИЛОВ
СУРАТДА: Ахбор ака ва Фаридахон ая неваралари даврасида

ХАНДАЛАР

Уй хизматчиси:
— Нима, менга ишонмайсизми, хоним, ундай бўлса мен сизнинг уйингизда ишламайман!

Бека:
— Нега ишонмас эканман! Мен ҳатто сизга қимматбахо зеб-зийнатларни турган қутичанинг калитини бериб йўганман!

— Ҳа, лекин у калит тушмаяпти-да!

Бошлиқ қўл остидаги ходимни койиди:
— Сизнингча, мен ўтакетган тентакман, шундайми?

— Билмадим, мен бу ерда ишлаётганимга ҳали кўп бўлгани йўқ.

— Вокзалга борадиган энг яқин йўлни кўрсата олмайсизми?

— Йўқ, кўрсатолмайман.
— Демак, сиз ҳам бу шаҳарлик эмас экансизда?
— Аксинча, такси ҳайдовчисиман...

Икки чукоткалик вагон хизматчиси хузурига келишди. Улардан бири сўради:
— Бу поезд мени Магаданга олиб борадими?
— Йўқ.

Иккинчиси сўради:
— Меничи?
— Меничи?

Меҳмонхонада ёнғин. Ҳамма қичқирмоқда:
— Сув, сув.
— Кайфи тароқ барзанги йигит

ҳам қичқирмоқда:
— Йигирманчи хонага эса шампан виноси.

Муҳбир бир умр темир йўл яқинида яшаган аёлдан сўради:
— Айтинг-чи, узоқ йиллар шундай шароитда яшаганингиз соғлигингизга қандай таъсир кўрсатди?
— Чаток-чаток, чаток-чаток, у-уф-ф-ф...

Бир чукоткаликдан фахрий академик бўлишни илтимос қилишди.

— Барча миллатлардан фахрий академикларимиз бор, Чуқотқадан эса...
— Йўқ, яхшиси меники балиқ овлайди.

— Ахир тушунсангизчи, сизда ҳамма нарса бўлади— машина ҳам, уй-жой ҳам...
— Меники рози, аммо ҳафта жуфт кунлари фахрий академик бўлади, тоқ кунлари балиқ овлайди.

Икки киши сўхбатда:
— Негадир яна ўлгудек Парижга боргим келяпти.
— Сиз у ерда бўлгансизми?
— Йўқ, шунчаки... кеча ҳам жуда хоҳлаганим-да.

— Хой, қўшни, сизнинг нега оксоқланиб юрибди?
— Нима, сенингча, битта оёқ шўрва учун бутун бошли сизимни сўйишим керакмиди?

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

INTELLEKTUAL OLIMPIADA 20-27.02.2006. Nima? Qachon? Qayerda? Breyin ring, Svoya igra. Intellectual SMS, shashka, shaxmat va komp'yuter o'yinlari bo'yicha turli xil tanlovlar.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОҲ ВА ТАДБИРКОР ЖАҲОНЛАР! «KAFOLAT RIELT» МЧЖ Тошкент шаҳри Учтепа тумани, Ҳ.Турсунқулов кўчасида жойлаган умумий фойдали майдони 367,83 кв.м. ҳамда яшаш майдони 219,39 кв.м. бўлган 2 та балкондан, ҳаммом, ошхона, ертўла, бос-тирма, йўлак ва етти хонадан иборат №6 ва №7 турар уйлари СОТУВГА таклиф қилмоқда. Бошланғич баҳоси-92 160 000 сўм. Барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй. Телефонлар 138-69-70; 138-69-93

Мунажжим башорати

ҚИЙИНЧИЛИКЛАРДАН ЮЗ ЎГИРМАНГ

21 ФЕВРАЛЬ, СЕШАНБА ЭСКИ НАРСАЛАР ТАНАЗУЛГА ЮЗ ТУТАДИГАН ОҒИР КУНЛАРДАН БИРИ. ИХТИЁРСИЗ ҚИЗГАНЧИҚЛИК, ЙЎҚОТИЛАЁТГАН НАРСАЛАРГА АЧИНИШ ҲИССИ НАМОЁН БЎЛАДИ. САЛОМАТЛИГИНГИЗ ХУСУСИДА ЎЙЛАШ ТАЛАБ ҚИЛИНАДИ.

Ғарб тақвимида кўра, бугун янги ишлар омадсиз, музокаралар бесамак бўлади. Бошлаб қўйилган ишларни ниҳоясига етказиш хайрли бўлиши кутулади.

Аммо куннинг шундай тафсир этилишига қарамай, мунажжимларимиз умидбахш фикр юритиб, ҳеч қандай салбий оқибатлар намоён бўлмайди, аксинча ҳамма нарсада уйғунлик кўзга ташланади, дейишади. Шунинг учун, дераслаҳат беришда улар, вақтни беҳуда сарфламаган, илгари урдадан олган, бажаришингиз жуда қийин туолган ишларингиз билан, масалан, мураккаб учрашувлар, ёқимсиз музокараларни ўтказиш билан шугулландинг.

Бугун тушларни «буюртириш» мумкин. Фақат бунинг учун «буюртма»ни тўғри тавсифлаш ва саволни аниқ қўйиш керак бўлади.

Нафас йўллари ва асаб тизими бугун заифлашган ҳолатда бўлади. Хоналарни шамоллатинг ва асабийлаштирувчи омиллардан узоқроқ бўлишга интилинг. Ҳаммом ёки саунага вақт топсангиз, бу сизнинг соғлигингизга жуда асқотган бўларди.

Қийинишда яшилликка мойил ранглар уйғунлигидаги либосларни танлашга ҳаракат қилинг. Қизил, қора ва сиёҳранг туслардан ийроқроқ бўлинг. Ҳар қандай ола-була ва ёрқин ранглардан бугунча воз кечинг.

МУАССИСА ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ Буюртма Г-406

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56. Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 5218 нусхадда босилди. Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бoshқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлиmlарига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг компьютер марказида терилди ва сарфдаланди. «Шарқ» нашриёт-ма